

**АХБОРОТ МАЙДОНИДАГИ ТАҲДИДЛАР ВА ИЖТИМОИЙ
ТАРМОҚЛАРНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ**

O'rinooyev Odiljon Ahmadovich

*Farg'onan shahar 7-o'rta ta'lim
maktab tarbiya fani o'qituvchisi
urinboyevodiljon98@gmail.com*

Аннотация: Уибу мақолада ҳозирги таҳликали замонда интернет тармоғи орқали тарқатилаётган гаразли маълумотлар, турли бузгунчи ғоялар одоб-ахлоқни емирувчи манфур иллатларни ёшлар тарбиясиги кўрсатаётган салбий таъсирлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ижтимоий тармоқларни ёшлар ҳаётидаги ўрни ва уларни салбий томонлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ахборот, интернет, ижтимоий тармоқ, ҳуруж, виртуал олам, ахборотлашган жамият.

Ҳозирги кунда биламизки, ахборот давлат ва жамият ривожланишининг муҳим омилидир. Дунё ягона ахборот маконига айланган бир паллада ундан “холи” бўлиш ҳам мумкин эмас.

Бугинги кунда кўпгина интернет фойдаланувчилари ўз маблағларини, куч-куватларини ва, энг асосийси, вақтларини нимага сарф қилишаётганликлари ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаяпти. Унча-мунча ота-оналар тушунмайдиган интернетнинг сиру синоатини беш қўлдай биладиган зукко ўғил-қизларимизнинг саноғи йўқ. Бундай вазиятни бир томондан, ёшларимизнинг зукколиги қувонарли ҳол деб баҳоласак, иккинчи томондан эса, айнан интернет оиласда фарзандларнинг ва таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг “тарбиячи”сига айланмоқда. Бошқача айтганда эса, фарзандларимиз ва ўқувчиларимиз тарбиясини интернетга топшириб қўйдик. Бу ҳолат ачинарли, албатта. Лекин бугунги кун ҳақиқати шуки, ўқувчининг интернетдан фойдаланиш даражаси юқори, ўқитувчиники паст ёки умуман бу имкониятдан фойдаланишни тушунмайди ҳам. Оилада ҳам шу аҳвол: фарзандларнинг билими ва тажрибаси етарли, ота-она эса бу ҳақида юзаки инфомацияга эга, холос. Натижада ёшларнинг тарбияси интернетда назоратсиз қолмоқда. Четдан туриб “ахборот ҳуружи”ни авж олдираётган бузғунчилар айнан мана шу “вазиятдан”дан фойдаланиб қолишига чиранаётганларидан кўз юмиб бўлмайди. Ёшларимизнинг янгиликка интилувчанлиги, замон билан ҳамоҳанг ҳолда бўлишга интилишларини инобатга олсак, уларнинг ахборот технологияларидан фойдаланишга қизиқиши юқорилигини кузатамиз.

Ҳозирги таҳликали замонда интернет тармоғи орқали тарқатилаётган гаразли маълумотлар, турли бузғунчи ғоялар одоб-ахлоқни емирувчи манфур иллатлар ҳар бир кишини ташвишга солиш аниқ. Интернет ёрдамида ишлар осон ва тез

бажарилади. Лекин кейинги пайтларда интернет билан боғлиқ бузғунчиліктер, глобал тармоқдан қабих мақсадда фойдаланаётгандар күпайиб бормоқда. Оқибатда, залолатта бошловчи электрон нашрлар ва видеолавҳалар кенг ёйилмоқда. Асосий муаммо, интернетдан ким қандай мақсадда фойдаланишида. Ҳозир ёш бола ҳам компьютерни бемалол ишлата олади. Бир қараңда, унинг ёмон жойи йўқдай. Аммо ҳаддан ошилса, назорат бўшаса оқибати жуда ёмон бўлади. Интернетга кираётган ёшлар сони соат сайин ортмоқда. Бир муҳим маълумот: Болаларни асройлик (Save the children) халқаро ташкилоти АҚШ даги 15-17 ёшли ўсмирларнинг 85%и, Канада ёшларининг 93%и интернетдан мунтазам фойдаланишини эълон қилди. Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 2008 йилда икки миллион бўлса, ҳозир ўн миллиондан ошгани, уларнинг аксари ёшлар эканини қайд этиш керак. Ғаламис кимсалар ёшларни ўз тузоқларига илинтиришда интернетдан усталик билан фойдаланмоқда. “Ўзларини яқин дўст” ёки “ҳидоятга чорловчи” сифатида танитиб ёшларни тўғри йўлдан чалғитмоқда. Аслида, уларнинг дин ва шариат ҳақида умуман илмлари йўқ, фақатгина тўдабошидан ёдлаб олганларини такрорлашдан нарига ўтмайдилар. Бошқа томондан караганда, улар бу жоҳиллиги билан бошқаларни ҳам жар ёқасига тортаётгани ва кимнидир ногорасига ўйнаётганини билмайдилар. Бундайлар аввал дину-диёнат, ибодат, жаннат ҳақида турли жозибали сўзларни гапириб, ғўр ёшларни йўлдан уриб, охир –оқибатда разолат қурбонига айлантирмоқда.

Ёшларнинг кўп ҳолларда интернетдан фақат кўнгилочар восита сифатида фойдаланиши ташвишларидир. Улар эзгу мақсадлар қолиб, мусиқа кўчириш. клиптар ва кинолар кўриш, йигит-қиз танишуви билан овора бўлмоқда. Ижтимоий тармоқларда вақтни беҳуда сарфлаш ҳеч бир фойдасиз суҳбатлар қуриш исрофдан бошқа нарса эмас. Вақтни исроф қилиш эса гуноҳдир. Ароф сурасининг 31- оятида “У исроф қилувчиларни севмайди”, деб огоҳлантирган. Ёшлар ўртасида энг оммабоп сайт “Odnoklasniki.ru”, “Facebook”, “Twitter” каби ижтимоий тармоқлар лоқайдлик, ҳаёсизлик, тубанлик тарғиботига “хизмат” қилмоқда. Ёшлар тафаккурини зифлаштиришга, онгини заҳарлашга қаратилган бузғунчи хабарлар тобора кенг тарқалмоқда.

Интернет тармоғига ўтирган киши кўпинча ёлғиз бўлади. Томоша қилаётган, ўқиётган нарсалари маънавиятимизга, ахлоқимизга, динимизга мувофиқ ёки мувофик эмаслиги даргумон. Бундай ишлар хоҳ ошкора хоҳ яширин бўлсин барча-барчасини Аллоҳ ҳаром қилган. Ҳозирги кунда ёшларимизнинг интернетда соатлаб муккасидан кетиб турли хил бетамиз, маънисиз ўйинлар домига шўнғиб, умрларини зоя қилаётгандарига гувоҳ бўламиз. Шу билан бирга, улар ўзларининг саломатликларига ҳам жиддий зарар етказишмоқда. Тиббиёт олимларининг таъкидлашича, узок вақт давомида, саккиз-ўн соатлаб интернетда ўтирганлар ўзига хос сурункали хасталикларга чалинади. Виртуал оламда компьютер тутмасини икки марта босиб, исталган шаҳвоний фильмни томоша қилиш мумкин. Бундай беҳаёликларни тарғиб

қилувчи интернет сайtlари сони миллионларни ташкил этади. Ушбу сайтларда “саёҳат” қилаётгандарнинг асосий қисмини 12-17 ёшли ўсмирлар ташкил этмоқда. Бир кунда қидиувга берилаётган сайтларнинг 25 фоизини айнан ушбу сайтлар ташкил этади. Маълумотларга қараганда, уяли телефон орқали беҳаёп-порнографик фильмларни тайёрлаш ва тарқатиш энг тез ривожланаётган бизнес турига айланган. Афсуски, ҳозир оммалашиб бораётган ижтимоий тармоқларда ҳам бу каби беҳаёп фильмлар, суратлар ва видеолавҳалар хоҳлаганча топилади. Айниқса, “Odnoklasniki.ru”, “Мой мир”, “Facebook”, ҳамда “Twitter” ижтимоий тармоқлардаги порнография, вахшийлик ва бузғунчи ёт ғоялар таъсири ёшларни ҳар томонлама тубанлаштириб тубсиз жарга улоқтириши ҳеч гап эмас.

2006 йили болалар ва ўсмирлар келажаги учун ўта хавфли воситалар деб интернет ва уяли телефон тан олинган. Сабаби уларда тарғиб этилаётган беҳаёп материаллар ёшлар ахлоқини бузиб, келажагига раҳна солаётгани аник. Демак , бу иллат ёшларнинг онгу-шуурини заҳарлаб, иймонига раҳна соладиган ва тубанликка етаклайдиган хатарли иллат экани маълум. Бу иллатнинг дунё ва охиратимиз учун ўта хатарли экани аник.

Маънавий бўшлиқ пайдо бўлдими, четда пайт пойлаб юрган кимсалар бузғунчи ғояларини тиқиширишга ва ёшларни онгини заҳарлашга ҳаракат қиласидилар. “Бундай кучларнинг ғаразли муносабати аввало бой ва қадимий маънавиятимизга қарши қаратилгани, улар халқимизни ана шу бебаҳо бойликдан жудо қилиш учун ҳар хил усул ва воситалар билан зўр бериб уринаётгани барчамизни ташвишлантирмасдан қолмайди, албатта,-деб таъкидлайди давлат раҳбари-Нега деганда, инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсиндиримоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”. Шу билан бирга, бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераетган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларнинг олдини олишнинг битта йўли бор: ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, имон- эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар этиб вояга етказишимиз, бу масалани ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа деб билмаслигимиз керак... “Ёшлар – бизнинг келажагимиз. Келажагимизнинг мустаҳкам бўлиши эса ана шу ёшларнинг дунёқарashi ва билим савияси ҳозирги давр талабларига тўла жавоб бера олиши билан

бевосита боғлиқдир. Шиддат билан ривожланиб бораётган ахборотлар дунёсида ҳар бир ёш ўз вақтини тўғри тақсимлай олиши жуда муҳим ҳисобланади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, «келажагимиз» нима билан машғул? Уларни бугунги кунда нима қизиқтиряпти?

Бу саволлар ҳар бир ақли расо инсонни ўйлантирмасдан қолмайди. Каерга қараманг ёшлар қўлида уяли телефон, лекин уни меъёридан ортиқ ишлатиш инсон организми учун заарли эканлиги ҳақида ахборот воситаларида бир неча бор огоҳ қилишларига қарамай биз ота-оналар, мураббийлар бепарволик қилмаяпмизми? Эътибор беринг, ҳозирги кунда ўқувчиларимизнинг қарийб 90 фоизи «одноклассники» сайтига кириб бекорчи гапларни ёзиш билан овора эканини кўришимиз мумкин. Бу билан ушбу сайт муаллифларини айбламоқчи эмасмиз. Чунки бу нарса узоқдагини яқин қилиб, анчадан бери кўришмаган синфдошлар, кўнгли яқин кишилар сухбатини боғлайди. Ахир атомнинг қучини Эйнштейн яхши ниятда кашф этган. Унинг даҳшатини, одамзотга катта хавф солишини хаёлига ҳам келтирмаганку?

Шунинг учун ота-оналар вояга етмаган фарзандингизни уяли телефонини бир очиб кўрсангиз, бепарволигимиз нималарга олиб келиши ҳақида яна бир бор ўйлаб кўрардик. Ҳамма нарсани, асалнинг ҳам ози ширин. Интернетнинг ижобий томони жуда кўп. Ундан оқилона фойдаланиш керак холос.

Хулоса қилиб айтганда ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак булса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар ўз ҳиссасини қўшиши, бу каби ҳолатларга қарши курашишнинг мустаҳкам ҳукуқий асосларини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Аввало илмий-назарий билимларни эгаллаш талаб этилади. Қадимий манбамиз “Австо”да “Билим-кўзнинг чироги”-деб уқтирилган. Бунинг маъноси шуки, фақат билим воситасида инсоннинг кўзи очилиши, яъни мустақил фикр ва дунёқарашга эга бўлиши мумкин, фақат мустақил фикрга ва дунёқарашга эга бўлган одам бирёқлама, ғаразли фикрларни фарқлай олади. Бу “фикрга қарши фикр” тамойилининг мезонидир. Демак, қайси томоннинг енгишини пировард натижада илм, қонун ва маънавиятга асосланган тарғибот ва ташвиқот ҳал қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлиланган учрашувдаги нутқи.
<http://aza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khalqarо-hotin-qizlar-bayramiga-bagliishlanigan-uchrashuvdagи-nutqi-06-03-2017>

2. М.Сафаров, Э.Бахт. Сабаблар ва оқибатлар. Информацион уруш ва ундан мақсад. Қонун ҳимоясида. Т.: Ўзбекистон республикасининг бош прокуратурасининг оммабоп юридик журнали 2005.Б-12.

3. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганинг 25 йиллигига бағишлиланган учрашувдаги нутқи.

4. А. Тулепов. Интернетга ин қурган ўргимчаклар. Т.:Мовароуннахр, 2015.

Б;4

5. «Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя» китобидан олинди.

6. Каримов И.А Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.. Маънавият, 2008 й. -

11 6

7. Шукурова Д. Ахборот ва жамият./Миллий тикланиш, 2009 йил 29 июль